

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Султонов Равшанжон Ёқубжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақола "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили асосида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги профилактика инспектори фаолиятини таҳлил қилади. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-27-сон Фармони, ПҚ-1-сон Қарори ва ВМ 801-сонли Қарори билан жорий этилган янги ижтимоий профилактика тизими, хусусан, "маҳалла еттилиги" фаолиятининг ҳуқуқий-институционал асослари ёритилган. Профилактика инспекторининг ахборот тизими орқали ижтимоий профилактика объектлари (жиноят содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар) доирасини аниқлаш, улар билан ижтимоий мослаштириш дастурларини амалга оширишдаги ўзаро ҳамкорлик механизмлари таҳлил қилинади. Ишда инспектор фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусан, маҳаллий давлат идоралари ва ННТлар билан алоқаларни кучайтириш ҳамда янги коммуникация воситаларини жорий этиш бўйича илмий таклифлар асослаб берилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, ижтимоий профилактика, "маҳалла еттилиги", "обод ва хавфсиз маҳалла", "e-ijtimoiy profilaktika", ижтимоий мослаштириш дастури, жамоат хавфсизлиги.

ПРАВОВЫЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ ПО РАБОТЕ С ОБЪЕКТАМИ СОЦИАЛЬНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ

Аннотация: Данная статья посвящена анализу деятельности инспектора профилактики в системе обеспечения общественной безопасности и раннего предупреждения правонарушений на основе принципа "Благоустроенный и безопасный махалля". В исследовании раскрываются правовые и институциональные основы новой системы социальной профилактики, внедренной Указами Президента РУз (ПФ-27, ПК-1) и Постановлением КМ (801), в частности, деятельность "махаллинской семерки" (маҳалла еттилиги). Анализируется механизм взаимодействия инспектора профилактики в процессе определения круга объектов социальной профилактики (лиц с высокой

вероятностью совершения или пострададения от правонарушений) с использованием информационной системы и реализации программ социальной адаптации. В работе научно обоснованы предложения по повышению эффективности деятельности инспектора, в том числе по укреплению связей с органами государственной власти и ННО, а также внедрению новых средств коммуникации.

Ключевые слова: инспектор профилактики, социальная профилактика, "махаллинская семерка", программа социальной адаптации, общественная безопасность.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш этишда маҳалла институтининг ролини тубдан оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Маҳалланинг аҳоли ва давлат органлари ўртасида ишончли "кўприк" бўлишини таъминлаш ва жамиятда жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Бу борадаги институционал ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш" тўғрисида"ги 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони ҳамда "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш тўғрисида"ги 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони асосида ҳуқуқий асосга эга бўлди. Ушбу ҳужжатлар билан «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ҳар бир маҳаллада муаммоларни жойида аниқлаб, комплекс ёндашув асосида ҳал этишнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш зарурати белгиланди.

Мазкур ислохотларнинг амалий ифодаси сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сонли "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор билан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат "маҳалла еттилиги" фаолияти ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Бугунги кунда маҳалла даражасидаги жамоат хавфсизлиги тизимининг асосий бўғини ҳисобланган профилактика инспекторининг ўз фаолиятини ушбу янги институционал ва рақамли (хусусан, "E-ijtimoiy profilaktika" ахборот тизими) шарт-шароитларга мослаштириш, ижтимоий профилактика объектлари (ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар) билан ишлашдаги аниқ вазифаларини самарали амалга

ошириш механизмларини илмий жиҳатдан асослаш ва такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Профилактика инспекторининг янги ҳуқуқий-ташкилий доирада "маҳалла еттилиги" таркибида ижтимоий профилактика объектлари билан ишлаш фаолиятидаги механизмларни таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон Қарори профилактика инспекторининг янгича фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Ушбу механизмлар инспекторнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ролини маҳалла еттилиги таркибида тизимли ҳамкорликка асосланган даражага олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон Қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, ижтимоий профилактика тадбирлари – бу ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидир. Профилактика инспектори маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат "маҳалла еттилиги"нинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди.

Бу ҳамкорликнинг асосий мақсади ижтимоий мослаштириш дастури орқали муаммоларни комплекс ҳал этишдир. Шунингдек, фаолиятни рақамлаштириш мақсадида "E-ijtimoiy profilaktika" ахборот тизими жорий этилди. Бу тизим ижтимоий профилактика субъектлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини йўлга қўяди, бу эса инспекторга тезкор ва аниқ маълумотлар асосида қарор қабул қилиш имконини беради.

Профилактика инспекторининг ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар доираси Низомнинг 3-бандига асосан аниқ белгилаб берилган бўлиб, у асосан ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган криминоген хавфи юқори бўлган тоифалар билан ишлайди. Инспекторнинг асосий масъулият соҳасига, биринчи навбатда, жиноий ва рецидив хавфи юқори бўлган, яъни жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар киради.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликларга мойил шахслар, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларга қарам бўлганлар, шунингдек, қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга ружу қўйганлар билан ишлаш ҳам инспекторнинг муҳим вазифасидир.

Инспектор ахлоқий-ижтимоий хавф тоифасидаги ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар олиб боради. Шунингдек, ажрим ёқасига келиб қолган низоли оилалар билан ишлаш орқали оилавий зўравонлик ва оғир жиноятларнинг олдини олишга ҳаракат қилади.

Ушбу аниқ тасниф профилактика инспекторига ўз куч ва ресурсларини энг хавфли криминоген манбаларга йўналтириш имконини беради, бу эса унинг фаолиятининг манзиллик ва самарадорлик даражасини оширади. "Маҳалла еттилиги" тизимида профилактика инспекторининг фаолияти криминоген хавфни аниқлаш, уни "E-ijtimoiy profilaktika" тизимида ҳужжатлаштириш ва ҳамкорлик асосида бартараф этишга қаратилган аниқ амалий босқичлардан иборат. Инспектор фаолиятини такомиллаштириш айнан шу механизмларни изчил ва сифатли амалга оширишга боғлиқ.

Профилактика инспекторининг фаолиятининг самарадорлиги унинг криминоген хавф манбаларини ўз вақтида ва тўлиқ аниқлашига боғлиқ. Низомнинг 4-бандига кўра, инспектор томонидан ижтимоий профилактика объектлари (шахсларнинг ижтимоий муаммолари) қуйидаги манбалар асосида аниқланади:

Аҳолини "хонадонбай" ўрганиш, маҳалла фаоллари, уйбоши ва кўчабошилар берган маълумотлар. Бу инспекторнинг ҳудудни чуқур билишига асосланган анъанавий, лекин самарали ёндашувдир;

Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномаси. Ушбу манба жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) талаблари асосида келиб чиқади ва содир этилган жиноят оқибатларини бартараф этишдаги инспекторнинг мажбуриятини белгилайди;

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ("маҳалла еттилиги") ва кўмаклашувчи шахслар (меҳнат, тиббиёт ходимлари) томонидан тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларидан олинган бошқа маълумотлар;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, Оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали олинган маълумотлар;

Бу механизм махсус профилактиканинг манзиллик тамойилини таъминлаб, инспекторга нафақат жиноий-ҳуқуқий маълумотлар, балки ижтимоий-иқтисодий ва психологик маълумотлар асосида ҳам ҳаракат қилиш имконини беради.

Ижтимоий профилактика тадбирларининг сифатини таъминлашда ҳужжатлаштириш ва таҳлил қилиш жараёни муҳим бўлиб, Низомнинг

5-бандига кўра, аниқланган объектлар бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида профилактика инспектори томонидан "E-ijtimoiy profilaktika" ахборот тизимида хулоса тайёрланади.

Ушбу хулоса профилактик суҳбатлар натижалари, шахсларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий профилактика объектлари (муаммолари) ҳамда тегишли давлат органларидан олинган оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу тизим инспектор фаолиятини шаффоф, тизимли ва электрон назоратга олишга хизмат қилади, лекин инспекторнинг ўзи томонидан тадбирлар амалга оширилган шахслар бўйича хулоса расмийлаштирилиши талаб этилмаслиги амалиётда ортиқча бюрократиянинг олдини олишга қаратилган самарали қадамдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жорий этилган "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили ҳамда "маҳалла еттилиги" тизими профилактика инспектори фаолиятини тизимли, рақамли ва манзилли ижтимоий профилактика даражасига олиб чиқди. Профилактика инспекторининг асосий вазифаси "E-ijtimoiy profilaktika" ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда криминоген хавфли тоифаларни аниқлаш ва уларни ижтимоий мослаштириш дастурларига жалб этишга қаратилган. Мазкур ислохотлар, айниқса, ПҚ-1-сон Қарор билан масъул раҳбарлар зиммасига қатъий шахсий жавобгарлик юкланиши, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини оширишнинг институционал кафолати бўлди. Шунга қарамасдан, инспектор фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳолда профилактика инспекторининг ижтимоий профилактика объектлари билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар киритилади:

Маҳаллий давлат идоралари ва ННТлар ўртасидаги алоқаларни жадаллаштириш, бунда профилактика инспекторининг муваффақияти "маҳалла еттилиги" доирасидан ташқаридаги ресурсларга ҳам боғлиқ. Шу боис, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари (ҳокимлик) ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ўртасидаги алоқаларни расмийлаштирилган ўзаро ахборот алмашинуви протоколлари орқали кучайтириш лозим. Бу, айниқса, ишсиз шахсларни банд қилиш (ҳоким ёрдамчиси ва меҳнат органлари) ҳамда аёллар ва ёшларга психологик ёрдам беришда ННТларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга имкон беради;

"E-ijtimoiy profilaktika" тизимининг таҳлилий қувватини ошириш: ахборот тизимига киритилган маълумотлар (профилактик суҳбатлар, турмуш тарзи) асосида инспекторларга криминоген хавф даражасини башорат қилувчи (прогностик) аналитика модулини жорий этиш. Бу инспекторга энг долзарб хавфли объектларга асосий эътибор қаратишга ёрдам беради;

Профилактика кичик инспектори лавозимини кенгайтириш орқали вилоятлар марказлари ва криминоген вазият оғир туман (шаҳар)ларда

киритилган профилактика кичик инспектори лавозимини республика миқёсида босқичма-босқич жорий этиш. Бу кичик инспекторлар зиммасига меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар билан биргаликда, мактаб битирувчилари ҳамда талабалар билан ижтимоий профилактика чоралари доирасида манзилли ишларни амалга ошириш вазифасини юклаш лозим;

Ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали профилактика инспектори томонидан аниқланган ижтимоий профилактика объектлари (ишсизлар, гиёҳвандликка мойиллар) учун кичик ижтимоий лойиҳаларни (касбга ўргатиш курслари, спорт тўғараклари) қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун маҳаллий ҳокимият томонидан махсус грант фондини шакллантириш;

Фуқаролар иштирокини ошириш учун янги коммуникация воситаларини жорий этиш, профилактика инспектори томонидан олиб борилаётган ижтимоий профилактика тадбирларининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида, маҳалла аҳлининг криминоген вазиятни баҳолашдаги иштирокини ошириш учун мобил алоқа ва ижтимоий тармоқлар орқали тезкор хабар бериш каналларини жорий этиш;

Шахсий жавобгарликни қатъийлаштириш (ПҚ-1-сон асосида) масъул раҳбарларнинг криминоген вазият оғир маҳаллаларда эришилган натижаларини ҳар ой/чорак якунида Бош вазир ва Бош прокурор ҳузурида танқидий муҳокама қилиш амалиётини маҳаллий даражада ҳам (туман ҳокими ҳузурида) жорий этиш ва профилактика инспекторларининг фаолиятини баҳолашда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг (ишга жойлашганлар сони, низоли оилалар сонининг камайиши) улушини ошириш.

Ушбу чора-тадбирларнинг комплекс равишда амалга оширилиши профилактика инспекторининг фаолиятини такомиллаштиришга, ижтимоий профилактика объектлари билан ишлашда юқори натижадорликка эришишга ва пировард натижада мамлакатда жамоат хавфсизлиги тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда жорий этилган "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили ва "маҳалла еттилиги" тизими профилактика инспектори фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Инспекторнинг асосий вазифаси – ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ижтимоий профилактика объектларини "E-ijtimoiy profilaktika" ахборот тизими орқали манзилли аниқлаш, хонадонбай ўрганиш ва комплекс ижтимоий мослаштириш дастурларига жалб этишдан иборат. ПҚ-1-сон Қарор билан масъул раҳбарлар зиммасига юкланган қатъий шахсий жавобгарлик мазкур тизимнинг изчил ишлашини таъминловчи институционал кафолат бўлди. Шунга қарамасдан, инспектор фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун тиббий-психологик ҳамкорликни кучайтириш, маҳаллий давлат идоралари ва

ННТлар билан алоқаларни расмийлаштириш ҳамда "E-ijtimoiy profilaktika" тизимининг таҳлилий (прогностик) қувватини ошириш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.11.2025й)
2. Ш.М. Мирзиёев. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови". Халқ сўзи, 2016, № 243 (6678), Б.1–3.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.11.2025й)
4. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.11.2025й).
5. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.
6. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.
7. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.